

2030 йилга қадар ҳаж зиёратига борадиганлар сони йилига 24 минг нафарга етказилади



16:26 / 22.06.2023 2187

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 22 июнь куни Сурхондарё вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувда Ҳажга борадиган зиёратчилар учун ягона онлайн, очиқ-ошкора навбат тизими жорий қилиниши маълум қилинди.

«Барча вилоятларда Ҳаж марказлари ташкил этилади. 2030 йилга қадар ҳаж зиёратига борадиган фуқаролар сони босқичма-босқич йилига 24 минг нафарга етказилади», деди Шавкат Мирзиёев.

Тошкент ислом институтида 2024 йилдан магистратура, 2025 йилдан докторантура йўналишида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилиши айтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев: «Кунни кеча Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий ҳазратлари Қатардаги Халқаро мусулмон уламолар кенгашига аъзо бўлганлари, барчамизга мамнуният бағишлайди», деди. — Бу ҳам ўтган даврда диний-маърифий соҳада олиб борган ислохотларимизнинг халқаро эътирофи, халқимизнинг Ислом дини ривожига қўшаётган ҳиссасига берилган яна бир юксак баҳо, десак тўғри бўлади.

Юртимизда ислом оламининг етук уламолари иштирокида ҳар икки йилда Халқаро ислом илмий-амалий конференциясини ўтказиб борсак, нима дейсизлар, – деди номзод.

Манба: uza.uz